

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ҚАРОРИ

**460** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15 ноябрдаги «Республикада пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–512-сонли қарорига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 мартдаги ««Ўзбек-ипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–2856-сонли қарорига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15 ноябрдаги «Республикада пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–512-сонли қарорига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,  
2017 йил 7 июнь,  
ПҚ–3044-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2017 йил 7 июндаги  
ПҚ–3044-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 15 ноябрдаги «Республикада пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ–512-сонли қарорига киритиладиган ўзгартишлар**

- 1-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.
- 4-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Республика ўсимликларни муҳофаза қилиш ва агрокимё маркази» сўзлари ««Ўзагрокимёҳимоя» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.
- 1- ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.